



Ички ишлар органлари Тезкор-қидирув бўлинмаларида қидирув фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари

**Usmonov Og'abek
Mirzaqul o'g'li**

*O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi
kursanti*

gmail: ogabekusmonov180@gmail.com

T.E. Masharipov

*Ilmiy rahbar: IIV Akademiyasi Tezkor-qidiruv
faoliyati kafedrasida o'qituvchisi, mayor gmail:
masaripovtohir@gmail.com.*

Аннотация

Ушбу мақолада, ички ишлар органлари қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашда қўлланиладиган ҳисоб турлари ва шакллари, уларни ташкил қилиш ва юритишдаги муаммолари ўрганилиб, халқаро тажрибалардан мисоллар келтирилган. Мақолада, қидирув жараёнидаги асосий муаммолар, уларни ҳал этиш учун зарур бўлган методологиялар ва замонавий технологиялар ҳақида сўз боради. Қидирув ишларини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган стратегиялар, жумладан, малакали ходимларни тайёрлаш, ахборот ва коммуникатсия технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш кўриб чиқилади.

Kalit so'zlar:

ички ишлар органлари, тезкор қидириш, қидириш иши, ахборот технологиялари, жамоатчилик билан ҳамкорлик, жиноятчиликни олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни иштироки, методологиялар, қидирув жараёни.

МЕРЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПОИСКОВОЙ РАБОТЫ В ПОДРАЗДЕЛЕНИЯХ БЫСТРОГО ПОИСКА ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация: В данной статье рассматриваются виды и формы учетов, используемых при информационном обеспечении розыскной деятельности органов внутренних дел, проблемы их организации и ведения, а также приведены примеры из зарубежного опыта. В статье говорится об основных проблемах процесса поиска, методологиях и современных технологиях, необходимых для их решения. Рассмотрены стратегии, необходимые для проведения эффективных поисковых операций, включая подготовку квалифицированных кадров, использование информационно-коммуникативных технологий, укрепление связей с общественностью.

Ключевые слова: органы внутренних дел, оперативный розыск, розыскная работа, информационные технологии, сотрудничество с общественностью, профилактика преступности, соучастие в преступлении, методики, процесс розыска.

MEASURES FOR ORGANIZING SEARCH WORK IN THE RAPID SEARCH UNITS OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

Abstract: The article talks about the main problems in the search process, the methodologies and modern technologies necessary to solve them. Strategies necessary for effective search operations, including training of qualified personnel, use of information and communication technologies, and strengthening of public relations are considered.

Key words: internal affairs bodies, rapid search, search work, information technology, cooperation with the public, Crime prevention, crime participation, methodologies, search process.

Давлатимиз раҳбарининг “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” деган эзгу ғоялари асосида фуқароларнинг тинчлиги ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида устувор вазифаларни белгилаб бермоқда.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, яъни ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга жалб этиш. Хусусан, тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш”^[1] вазифалари белгиланди.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан бири “Суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш” ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятининг мазкур вазифаларини комплекс амалга оширилиши қидирилаётган шахслар яширинган жойни аниқлаш ва уларни ушлашни таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий, процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа тадбирлар мажмуини ташкил қилади.

¹ Қаранг: *Мирзиёв Ш.М.* Янги Ўзбекистон–Тараққиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022. – 42 б.

- бундай тоифадаги шахсларга қаерда эканлиги номаълум бўлган ва уларнинг қидируви юзасидан қарор чиқарилган гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва судланувчилар тушунилади. Жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар қаторига жазони ижро этиш муассасаларидан қочган маҳкумлар, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаганлиги боис қидирув ҳақида қарор чиқарилган маҳкумлар киради.

- бедарак йўқолган шахслар деганда, - бирор аниқ сабабсиз қўққисдан йўқолиб қолган, қаерда эканлиги атрофдагиларга маълум бўлмаган шахслар, жумладан, уйдан, мактаб-интернатдан, меҳрибонлик уйларидан кетиб қолган, махсус таълим муассасаларидан қочиб кетган вояга етмаганлар, уйдан ёки тиббий муассасалардан чиқиб кетган руҳий касаллар тушунилади. Яқин қариндошлари билан алоқаси йўқотилган шахслар ҳам қидирув объектларига киритилиши мумкин.

- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа тоифадаги шахсларга - Мудофаа вазирлиги, ДХХ, ИИВга қарашли ҳарбий қисмлардан қочган ҳарбий² хизматчилар, етказилган зарарни қоплаш ишлари бўйича қарздор (жавобгарлар), алимент тўлашдан бўйин товловчилар, фуқаролардан давлат фойдасига маблағ ундириш бўйича қарздорлар ҳам қидирилиши лозим бўлганлар тааллуқли. Шу билан бирга, бу каби вазифалар қаторига таниб олинмаган мурдалар бўйича фуқароларнинг шахсини аниқлаш ҳам киради.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрь кундаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаларига турли мақсадли ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, тезкор ҳисоб юритишни йўлга қўйиш мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди^[2]. Бироқ, амалдаги қонунчиликда “ҳисоб” атамасининг расмий талқини йўқлигини инобатга олиб, ушбу муаммога бағишланган аксарият адабий манбаларда берилган таъриф асос қилиб олинди.

Махсус усулда тизимлаштирилган ва тегишли картотекаларга, йиғмажилдларга ёки автоматлаштирилган маълумотлар банкларига жойлаштирилган бундай маълумотлар одатда ҳисоблар деб аталади. Ҳисоблар тезкор-қидирув фаолиятининг энг муҳим воситаси бўлиб, фаолиятни ахборот билан таъминлаш вазифасини бажаради.

Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида ҳисоблардан жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш, жиноятчилар ва ўғирланган мол-мулкни қидириш, бедарак йўқолган шахсларни ва шахси номаълум мурдаларни аниқлашда, кўмаклашувчи шахслар билан ишлашда, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашнинг бошқа муаммоларини ҳал қилишда кенг фойдаланилади.

Қидирувда бўлган жиноятчилар сони 2024 йил 9 ойи давомида ўтган йилни шу даврига нисбатан 577 тадан 553 нафарга яъни 24 нафарга камайган, шунингдек ушланмай қолган жиноятчилар қолдиғи йил бошига нисбатан 37 тага камайган бўлиб, уларни қўлга олиш 320 нафардан 410 нафарга яъни 90 нафарга яхшиланган.

² Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида». 2012 йил 25 декабрь, ЎРҚ-395-сон. — URL: <https://www.lex.uz>

2024 йил 9 ойи давомида қидирув эълон қилинган 384 нафар жиноятчилардан:

- 198 нафари ИИБ Терговчиларининг қарорига асосан,
- 60 нафари прокуратура терговчилари қарорига асосан,
- 12 нафари ДХХ терговчиларнинг қарорига асосан,
- 114 нафари Судлар ажримга асосан қидирув эълон қилинган^[3].

Фикримча, қидирув йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларни билим савиясини ошириш, касбга бўлган муносабатларини ўзгартириш лозимлиги сезилмоқда, жойларда ушбу йўналишдаги ходимлар функционал вазифалари билан шуғулланишлиги, назарий ва амалий билимларини мужассамлаштиришлари учун устоз-шогирт аънаналарига юзаки муносабатда бўлмаслиги, раҳбарларнинг соҳада ишларни жадаллаштириш масаласида масъулиятларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши долзарб вазифа ҳисобланади.

Қидирув фаолиятини олиб бориш жараёнида ҳисоб қуйидагиларга имкон беради:

- қидирувдаги шахсларни (алоҳида белгилари, жиноят содир этиш усули, яқин қариндошлари ва алоқалари, ҳисоб рақамлари, телефон рақамлари, номидаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари каби маълумотлар) аниқлаш;

- бедарак йўқолган шахсларни (алоҳида белгилари, яқин қариндошлари ва алоқалари, ҳисоб рақамлари, телефон рақамлари, номидаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари каби маълумотлар) аниқлаш;

- номаълум мурдалар ва ўзи ҳақида маълумот беролмайдиган шахсларнинг шахсини аниқлаш;

- тезкор ҳисоблар архивидан текширилаётган шахслар тўғрисида қўшимча маълумотларни олиш.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳисобларга кўпинча ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига олиб келинган, текшириш учун тўхтатилган шахсларнинг қидирувдаги жиноятчилар, бедарак йўқолган шахслар билан шахсини таққослашда, шунингдек, қидирувдаги шахслар орасидан номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлашда муурожаат қилишади.

Қидирув фаолиятининг бошқа муаммоларини ҳал қилиш учун ҳисоб қуйидагилар учун зарур:

- қидирув фаолиятининг умумий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- барча ёки бир нечта ички ишлар органлари томонидан қидирилаётган шахсларни ушлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- қидирув фаолиятининг бориши ҳамда қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш (тезкор ҳисоб ишларини белгилаш ва амалга оширишнинг асослилиги, ишларни юритиш муддатларининг норматив талабларга риоя этилиши).

Ҳисоблар иш юритиш усулига кўра улар автоматлаштирилмаган (йиғмажилдлар, картотекалар, коллекциялар ва бошқалар) ва

³ Тошкент шаҳар ИИББ ТҚХ ЖКБ Қидирув ишларини таҳлил этиш бошқармаси маълумоти.

автоматлаштирилган (автоматлаштирилган маълумотлар банки ва автоматлаштирилган ахборот қидирув тизими) турларига, шаклланиш ва фойдаланишнинг таркибий даражасига кўра эса маҳаллий, ҳудудий ва республикага бўлинади.

- маҳаллий ҳисоблар - шаҳар-туман ички ишлар органлари даражасида юритилади (масалан, тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар ҳисоби; хизмат кўрсатилаётган ҳудудда рўйхатга олинган очилмаган жиноятлар тўғрисидаги; ўғирланган, йўқолган, эгасиз, олиб қўйилган ва аниқланган жиноят предметларининг ҳисоблари ва бошқалар).

- вилоят (ҳудудий) миқёсда ҳисоблар - Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар ҳамда Эксперт-криминалистика бошқармаларида шакллантирилади ва юритилади. Улар манфаатдор тезкор бўлинмаларга, уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар, ҳисобга олинган объектлар тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

- Республика даражасидаги ҳисоблар - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази ҳамда Эксперт-криминалистика бош марказида шакллантирилади ва юритилади.

Бундан ташқари, санаб ўтилган ҳисобларнинг ҳар бири марказлаштирилган (Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бўйлаб) ва марказлаштирилмаган (Республиканинг бир вилояти ҳудудида ишлайдиган ҳудудий ҳисоби) бўлиши мумкин.

Функционал асосга кўра, ҳисобни таснифлаш фақат унга хос бўлган ўз функциясини у ёки бу тури бўйича бажаришига асосланади. Унга кўра қуйидаги ҳисоб турларига ажратилади:

- марказлаштирилган тезкор-сўровнома;
- марказлаштирилган қидирув ҳисоби;
- марказлаштирилган эксперт-криминалистик ҳисоб;

Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаларида чекланган ҳисоблар - тезкор ҳисоблар сақланади^[4].

Ички ишлар органларига келиб тушган маълумотларни марказлаштирилган ҳисобга олиш шакллари картотекалар (фото кутубхоналар, трассологик файллар, видео кутубхоналар ва бошқалар), рўйхатлар, журналлар, автоматлаштирилган маълумотлар банклари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва бошқалардир.

Автоматлаштирилган марказлаштирилган ҳисоб, ИИВнинг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази томонидан республика даражасидаги интеграциялашган маълумотлар банкани, ҳудудий даражадаги интеграциялашган маълумотлар банкани, автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари ва автоматлаштирилган маълумотлар банкларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Қидирувга берилган шахслар, транспорт воситалари, йўқолган, топилган қуроллар ва бошқа қуроллар, ўғирланган, олиб қўйилган рақамланган буюмлар

⁴ <https://ordrf.ru/uchebnik/page131.html>

ва хужжатлар, ўғирланган маданий бойлик буюмлари марказлаштирилган қидирув рўйхатидан ўтказилади.

Марказлаштирилган эксперт-криминалистик ҳисоб - бу шахслар, объектлар (излар) ва нарсалар тўғрисидаги маълумотлар тўплами бўлиб, уларни бирлаштириш ва кейинчалик идентификатсия қилиш (мавжуд аналоглар билан идентификатсия қилиш) учун яроқли индивидуал хусусиятларга эга.

Бедарак йўқолган шахслар, соғлиғи ёки ёшига кўра ўз шахси тўғрисида маълумот бера олмайдиган шахслар, шунингдек шахси номаълум мурдалар марказлашган эксперт-криминалистик рўйхатга олинади. Ҳисобининг бу тури шахсни идентификатсия қилиш учун мўлжалланган.

Тезкор ҳисоб - бу тезкор бўлинмаларнинг тезкор-қидирув фаолиятини таъминлаш учун автоматлаштирилган маълумотлар банкларида, картотекаларда, йиғмажилдларда тўпланган ва тизимлаштирилган маълумотлар тўплами^[5].

Қидирув фаолиятида ҳам тезкор ҳисоблар муҳим аҳамият касб этиб, унда қидирувдаги шахс бўйича барча маълумотлар жамланиб борилади.

Бу борада хориж тажрибасига қарайдиган бўлсак, АҚШда ахборот технологиялари ва ахборотни бошқариш, ахборот маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва ишлашини таъминлайдиган махсус ахборот технологиялари бўлими (FBI Information and Technology Branch) мавжуд. Қўшма Штатларда битта маълумот базасидан фойдаланиб, сиз ҳар қандай шахс, шу жумладан қидирувдаги шахс ҳақидаги барча маълумотларни топишингиз мумкин^[6].

Буюк Британияда уюшган жиноятчилик ва жиноятчилар бўйича разведка маълумотларини қайта ишлаш минтақавий, миллий ва халқаро даражада асосланади ва мувофиқлаштирилади. Ахборот маълумотлари компьютер хотирасида ва архивда сақланади. Ахборотни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда уюшган жиноятчилик бўйича барча разведка маълумотлари таҳлилдан ўтказиладиган Миллий жиноий разведка хизматини яратиш режалаштирилган.

Италия Ички ишлар вазирлигининг оператив-техник бўлинмаси - Вазиятни ўрганиш маркази ҳисобланади. Унинг ваколатига турли хил фаолият турлари киради, шу жумладан, техник воситалардан фойдаланган ҳолда уюшган жиноятчилик тўғрисида тезкор маълумотларни тўплаш ва вазирликнинг тезкор бўлинмаларига ўтказиш юкланган.

Канадада 1970 йил 7 мартда ташкил этилган Уюшган жиноятчиликка қарши разведка хизмати (КИСК) мавжуд. Унга бўйсунувчи хизматлар жиноят тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш билан шуғулланади. Марказий бюро бутун мамлакат бўйлаб, маҳаллий бюролар эса вилоятлар ичида ва вилоятлар ўртасида ишлайди. Миллий манфаатларга тааллуқли хужжатлар асосий картотека жойлашган Марказий бюрога етказилади [7].

⁵ “Эксперт-криминалистика бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги ИИВнинг буйруғи.

⁶ Плотников П. П. Автоматизированные информационные системы МВД РФ // Автоматизированные системы специального назначения. Учебник Воронеж, 2015. — 6–55 Б.

⁷ Шипилов В. В. Международный опыт организации информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности // Российский следователь. 2013. № 22. 39–43 Б.

Юқорида айтилганларга асосланиб, қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашда ҳисобларнинг ҳозирги ҳолатини тавсифловчи бир нечта хусусиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- зарур маълумотларни қидиришда ноқулайликлар туғдирадиган кўплаб тезкор-маълумотнома, эксперт-криминалистик ва қидирув ҳисобларининг мавжудлиги;
- ҳисоблардаги маълумотларнинг барчаси рақамлаштирилмаганлиги;
- тезкор-қидирув мақсадларида ахборот алмашиш учун ягона ахборот маконини яратишга уриниш;
- мавжуд дастурий таъминотларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги.

Хулоса қилиб айтганда, қидирувда бўлган жинойтчиларни ва бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ҳамда шахси ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлаш борасида бир қатор камчиликларни бартараф этиш лозимлиги, ушбу йўналишларда ишни жадаллаштириш ва ижобий натижаларга эришиш учун Қонунчилигимиз ҳамда тегишли ҳуқуқ тартибот органларимиз билан бир қатор ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давр талаби бўлиб қолганлигини тан олишимиз лозим. Ҳаммага маълумки, бир нафар қидирувдаги жинойтчини қўлга олиниши, бу жинойтчилик ҳисоботларидаги кўрсаткичларга ўз таъсирини кўрсатади, шунинг учун қидирув эълон қилинишини олдини олиш мақсадида, соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимга функционал вазифа қилиб юклаш даркор ҳамда раҳбарлар томонидан кунлик талабларни кучайтиришни лозим бўлади. Шахсни қидирувга эълон қилинишининг олдини олишга яна бир асосий омиллардан бири, бу бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш ва ушбу йўналишда ишларни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги, жойларда ушбу йўналишлар бўйича фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жинойт содир этилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали олиб бориш катта ижобий натижаларга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Қаранг: *Мирзиёв Ш.М* Янги Ўзбекистон–Таррақиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022. – 42 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида». 2012 йил 25 декабрь, ЎРҚ-395-сон. — URL: <https://www.lex.uz>
3. <https://ordrf.ru/uchebnik/page131.html>
4. Плотников П. П. Автоматизированные информационные системы МВД РФ // Автоматизированные системы специального назначения. Учебник Воронеж, 2015. — 6–55 Б.
5. “Эксперт-криминалистика бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги ИИВнинг буйруғи.
6. Курлович П. Н. Полиция в правоохранительной системе США // Интернет-ресурс. URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/politsiya-v-pravoohranitelnoy-sisteme-ssha>

7. Шипилов.В.В Международный опыт организационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности // Российский следователь. 2013. № 22. 39–43 Б.